ТАСДИҚЛАЙМАН
Тошкент шаҳар статистика
бошқармаси бошлиғи
_____ Д.Б.Шерматов
“ 16 ” октября 2017 йил

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси “Нарх статистикаси” тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Тошкент шаҳар статистика бошқармаси Нарх статистикаси бўлимининг мақоми, асосий вазифалар ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари шунингдек, унинг фаолиятини юритиш тартибини белгилайди.

2. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Тошкент шаҳар статистика бошқармаси марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Нарх статистикаси бўлими ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида” ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг топшириқларига, “Тошкент шаҳар статистика бошқармаси тўғрисида” ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бўлим фаолияти нарх статистикаси соҳасида ривожланишнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методологияга, халқаро стандартлар ва қоидаларга асосланган, давлат хокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган. Бўлим ўз фаолиятини Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратининг нарх статистикаси бўлими ва Тошкент шаҳар статистика бошқармаси тармоқ бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бошқарма ўз фаолиятини Тошкент шаҳар статистика бошқармаси бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Тошкент шаҳар статистика бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосарига бўйсунади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) давлат статистикаси соҳасида ишлаб чиқилган ягона сиёсатни амалга оширишда, фаолиятни мувофиқлаштиришда, функционал тартибга солиш соҳасида:

иқтисодиётдаги нарх статистикаси ҳажмларининг статистик ҳисобини юритишда қиёсий таҳлилий маълумотларни ўз муддатларида сифатли тайерланишини таъминлаш, ҳамда статистик маълумотларни ҳисобга олиш услубиятларини халқаро стандарт ва қоида талабларидан келиб чиққан ҳолда амалиётга жорий этиб бориш, нарх статистикаси соҳасида илмий асосланган давлат статистика кузатувлари тизимини режалаштириш, ривожлантириш, мувофиқлаштириш ва жорий этиш бўйича ишларни ташкил этиш;

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини ўз вақтида таъминлаш, Давлат статистика қўмитаси нарх бўлими ҳамда Тошкент шаҳар статистика бошқармаси тармоқ бўлимлари ва туман статистика бўлимлари билан биргаликда нарх статистикаси соҳасида ахборотларни шакллантириш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

статистика органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш, таклифларни амалда рўёбга чиқаришда иштирок этиш;

нарх статистикаси бўйича статистик ҳисоботларни юритишда қиёсий ва таққослама таҳлилий маълумотларни ўз муддатларида сифатли тайёрланишини таъминлаш ҳамда статистик маълумотларни ҳисобга олиш услубиятларини халқаро стандарт ва қоидалар талабларидан келиб чиқиб амалиётга жорий этиб бориш;

нарх статистикаси бўйича статистик кўрсаткичларнинг ишончлилигини, холислигини ва комплекслилигини таъминлаш, нарх статистикасига оид Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини таъминлаш;

б) статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш соҳасида;

нарх статистикаси ҳисобот кўрсаткичлари маълумотларининг ишончлилиги, холислиги, комплекслилиги ва тизимлилигини таъминлаш бўйича туман статистика бўлимларининг фаолиятлари мониторингини юритиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга ошириладиган давлат ва идоравий статистика кузатувлари тизимини мақбуллаштиришда иштирок этиш, танланма статистика кузатувлари сонини ва натижаларининг ишончлилигини босқичма-босқич амалга ошириш бўйича ишларни ташкил қилишга кўмаклашиш;

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси тармоқ бўлимлари ҳамда туман статистика бўлимларининг нарх статистикаси соҳасида ахборотларни шакллантириш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

умумқабул қилинган халқаро стандартларга мувофиқ, нарх статистикаси фаолиятига тегишли қисми бўйича статистик индикаторлар тизимини яратиш ва ривожлантиришда иштирок этиш;

в) *статистик маълумотлар билан таъминлаш соҳасида:*

давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик ва жисмоний шахслар, давлат муассасалари, шунингдек бошқа фойдаланувчиларни нарх статистикаси фаолиятига тегишли маълумотлар билан белгиланган тартибда таъминлаш;

нарх статистикаси фаолияти методологияси масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва Давлат статистика қўмитасига тақдим этиш;

нарх статистикаси масалалари бўйича туман статистика бўлимлари ходимлари учун маслаҳатлар ва семинарлар ташкил этиш.

7. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Нарх статистикаси бўлими ва туман статистика бўлимлари нарх статистикаси масалалари бўйича ўзларига юклатилган вазифа ва функцияларини самарали амалга ошириш бўйича фаолиятини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

нарх статистикаси бўйича статистик кўрсаткичларнинг ишончлилигини, холислигини ва қиёсийлигини таъминлайди, соҳага оид статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш тизимини такомиллаштиради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шу жумладан, электрон шаклдаги мурожаатларнинг тегишли қисмини кўриб чиқади ва улардаги масалаларни ҳал қилиш бўйича, зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида таклифлар тайёрлайди;

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, Қўмита раҳбарияти ва Тошкент шаҳар статистика бошқармаси раҳбарияти топшириғига асосан ҳамда фойдаланувчиларнинг сўровлари асосида нарх статистикасига оид маълумотларни тайёрлайди;

Бўлим ўз фаолиятига оид статистика услубиятлари, статистика ишларини ташкил этиш масалалари бўйича Тошкент шаҳар статистика бошқармаси тармоқ бўлимлари ва туман статистика бўлимларига амалий ёрдам кўрсатади;

Давлат статистика ҳисоботларини электрон тарзда тақдим этилишини қамровини таъминлашда иштирок этади;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди.

Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган иқтисодиётнинг энг мухим устувор йўналишларини, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ишлаб чиқилган дастурларда белгиланган вазифаларни ҳамда Тошкент шаҳар худудида ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда таъминлайди.

3-боб. Бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

юридик ва жисмоний шахслар фаолиятининг давлат статистика кузатувларини ўтказиш ва олинган маълумотлардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

нарх статистикаси кузатувларини ташкил этиш ва услубиятини такомиллаштириш бўйича Давлат статистика қўмитаси нарх статистикаси бошқармасига таклифлар киритиш;

бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган маълумот ва ахборотларни туман статистика бўлимларидан олиш;

бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича туман статистика бўлимлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

корхона, ташкилот ва идоралардан лойиҳаларни амалга оширувчи гуруҳлар ҳамда бошқа давлат ташкилотлардан бўлим ваколатига кирувчи давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни, шунингдек уларга илова этиладиган тушунтиришларни сўраш ва олиш;

нарх статистикаси услубияти ва давлат статистика кузатувларини ташкил этишга алоқадор бўлган масалалар бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

нарх статистикасига оид давлат статистика ҳисоботларини йиғиш муддатларини мақбуллаштириш, уларни қайта ишлаш, тўлиқлилигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

бўлим бошлиғи ва ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган энг муҳим устувор вазифалар ва замонавий талаблардан келиб чиқиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Қонуни, Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги Низоми, Тошкент шаҳар статистика бошқармаси тўғрисидаги Низоми, ҳамда ушбу низомда белгиланган вазифалар, функциялар, мажбуриятларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши, ўзига берилган ваколатлар, ҳуқуқлардан қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилиши учун жавоб берадилар;

9. Бўлим қуйидагилар учун жавобгар:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси принципларига амал қилиш, фойдаланилаётган усуллар ва методикаларни доимий равишда такомиллаштириш;

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси ходимлари томонидан белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлим ходимлари ижро интизомини таъминлаш;

статистика ҳисоботини қасддан нотўғри тақдим этган ҳолда қўпол қонун бузилишига йўл қўйган шахсларни қонунчиликка мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

бўлим ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун, бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат, тижорат сирларига риоя қилиниши ва сақланишини таъминлаш учун жавоб беради.

бўлим бошлиғи ва ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган энг муҳим устувор вазифалар ва замонавий талаблардан келиб чиқиб, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг "Давлат статистикаси тўғрисида" ги Қонуни, "Тошкент шаҳар статистика бошқармаси тўғрисида" ги Низом ҳамда ушбу Низомда белгиланган вазифалар, функциялар, мажбуриятларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши, ўзига берилган ваколатлар, ҳуқуқлардан қонун хужжатларига мувофиқ фойдаланилиши учун жавоб берадилар.

бўлим ходимлари Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни талабларини бузганлик учун, ёхуд мазкур қонун бузилишларига кўмаклашганлик учун қонунга мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади;

бўлим бошлиғи бўлимга берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, меҳнат интизомининг ҳолати ҳамда ўзига бириктирилган бошқа вазифаларни бажарилиши устидан маъсулдир;

бўлим қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва мажбуриятларни бажариши мумкин.

4-боб. Бўлимнинг тузилмаси

10. Бўлимнинг тузилмаси ўз ичига Бўлим бошлиғини, шунингдек:

бош мутахассис, етакчи мутахассис ва 1-тоифали мутахассисни олади.

11. Бўлим низоми ва лавозимлар йўриқномаси бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади;

12. Бўлимнинг иш фаолиятига бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

13. Бўлим бошлиғи ва бўлим мутахассислари Тошкент шаҳар статистика бошқармаси бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

14. Бўлимнинг иш режаси ва иш ҳисоботи, тошкент шаҳар статистика бошқармаси бошлиғи томонидан Давлат статистика ишлар дастурига мувофиқ тасдиқланади.

15. Бўлим штатлари сони ва иш ҳақи миқдори Тошкент шаҳар статистика бошқармаси штат жадвали асосида белгиланади.

16. Бўлимнинг мазкур Низоми асосида бўлим бошлиғи бошқаради. Бўлим Низоми ва лавозим йўриқномалари Тошкент шаҳар статистика бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Бўлим фаолияти ривожланишнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар жисмоний ва юридик шахсларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини

қондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтириш;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, нарх статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритиш.

5-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

Бўлимнинг иши Ўзбекистон Республикасининг "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқиш дастури, Тошкент шаҳар статистика бошқармаси ишларини ишлаб чиқиш дастури, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида низом, Тошкент шаҳар статистика бошқармаси тўғрисида Низом, мазкур Низом, Давлат статистика қўмитаси раисининг ва Тошкент шаҳар статистика бошқармаси бошлиғининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ шунингдек Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг иш режалари, бўлимнинг иш режалари ва бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси Тошкент шаҳар статистика бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланадиган иш режалари асосида шакллантирилади ва бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари Бўлим бошлиғи томонидан бўлимга юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва Тошкент шаҳар статистика бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси "Нарх статистикаси" бўлими ходимлари ушбу низом билан таништирилди.

Т/р	Лавозим	Ф.И.О.	Таништирилганлиги тўғрисида имзоси
1.	Бўлим бошлиғи	Абдурахмонова Л.М.	
2.	Бош мутахассис	Мухамедова А.Р	
3.	Етакчи мутахассис	Қурбонов У.Ф.	
4.	1-тоифали мутахассис	---------- Очилов З.	